

# Халқ сўзи

**Ўзбекистон – келажаги буюк давлат**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 29 сентябрь, № 188 (5355) Пайшанба

## АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ БАРАК ОБАМА БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҲАҚИДА

2011 йилнинг 28 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан АҚШ Президенти Барак Обаманинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

АҚШ Президенти Барак Обама Президент Ислом Каримов ва Ўзбекистон халқини Мустақилликнинг 20 йиллиги билан табриклади ва ўзининг равнақ ва фаровонлик билдирилган самимий тилакларини изҳор этди.

Америка Қўшма Штатлари Президенти Ўзбекистоннинг 20 йиллик мустақил тараққиёт даврида эришган ютуқларига юксак баҳо берди. Ўзбекистоннинг минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдаги роли муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Шунингдек, АҚШ мамлакатимиз билан кенг кўламли савдо-иқтисодий ва инвестиция лойиҳалари бўйича ҳамкорликни изчил давом эттириш, икки мамлакат фуқаролик жамиятлари ўртасида мулоқотни йўлга қўйиш тарафдори экани қайд этилди.

Давлатлар раҳбарлари нафақат кенг кўламли икки томонлама ҳамкорлик доирасида, балки минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан истиқболли ўзаро ҳамкорлик йўналишлари нуқтаи назаридан ҳам умумий манфаатлар мавжудлигини таъкидладилар.

Президент Барак Обама Ўзбекистоннинг афғон муаммосини ҳал этишда ва Афғонистонга мамлакатни тинч йўл билан тиклашда кўрсатаётган ёрдами учун АҚШ ҳукуматининг миннатдорлигини изҳор этди.

Икки давлат раҳбарлари очиқ ва кенг кўламли сиёсий мулоқотни давом эттиришга тайёр эканликларини, ўзаро ҳурмат ва ишонч принциплари асосида Ўзбекистон — Америка ҳамкорлигини янада ривожлантиришдан манфаатдорлигини таъкидладилар.

**(ЎзА).**

*Кейинги йилларда мамлакатимиз пойтахти — Тошкент шаҳри халқаро миқёсдаги кўплаб анжуманлар, тадбирлар, кўргазмалар ва иқтисодий форумлар марказига айланди. Уларда нафақат илмий ёки назарий, балки амалий самарадорликка ҳам эришилаётгани юртимиз обрўсини янада оширишга хизмат қилмоқда.*

## ЎЗБЕК ТОЛАСИНИНГ ЮҚОРИ СИФАТИ

### дунё саноатчиларини ўзига чорламоқда

Президентимиз ташаббуси билан 2005 йилдан буён ташкил этилаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси — шундай нуфузли тадбирлардан бири. Эътиборли жиҳати, ўтган қисқа давр ичида мазкур ярмарка дунё мутахассисларининг эътиборига тушиб, ўзбек пахтаси жаҳон бозорида мустаҳкам ўрин эгаллади. Буни ярмарка иштирокчилари сони ва улар томонидан тузилаётган шартномалар йил сайин кўпаяётгани яққол тасдиқламоқда. Масалан, дастлабки ярмаркада 30 мамлакатдан 170 га яқин компания вакиллари қатнашган бўлса, 2010 йилда жаҳоннинг 34 давлатидан 300 дан зиёд компаниялар, шунингдек, юртимизда пахта бизнеси соҳасида фаолият кўрсатаётган 500 дан ортиқ хорижий ҳамкорлар иштирок этди. Жорий йилги тадбирга эса бундан-да кўпроқ вакиллар ташриф буюриши кутилмоқда. Буларнинг бари, албатта, хорижликларнинг толамизга эҳтиёжи тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Айниқса, ярмарка давомида иштирокчилар истиқболли навларни яратиш, агротехника тадбирлари ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, пахта етиштириш ҳамда уни қайта ишлаш, сертификатлаш, сақлаш ва ташишгача бўлган барча жараёнлар, қисқача айтганда, Ўзбекистон пахта саноатининг ривожланиш стратегияси билан яқиндан танишиш имконига эга бўлаётганлари диққатга сазовордир.

Шу билан бирга, Ўзбекистон юқори сифатли пахта толасини кафолатли равишда етказиб берувчи мамлакатлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллаб, дунёнинг янги-янги минтақаларини қамраб олаётир. Бунда, табиийки, пахтачилик ва тўқимачилик саноатимизда, жумладан, Ўзбекистон "Сифат" марказида "ISO — 9001" сифат менежменти тизими жорий қилингани муҳим аҳамият касб этмоқда.

"Сифат" маркази, биласиз, пахта толасини сертификатлаш ишлари билан шуғулланади. У пахта толасини халқаро стандартлар асосида синовдан ўтказувчи Европа ва Америкадаги етакчи пахта уюшмаларининг аъзосидир. Республикамизда етиштирилган пахтанинг селекцион навлари, толанинг ҳар бир тойи сифат кўрсаткичлари тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар нафақат марказимизда, балки вилоятлардаги пахта тозалаш корхоналарида ҳам мавжуд.

(Давоми 2-бетда).

## ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР, ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТЛАР

### "ICTExpo — 2011" миллий кўргазмасида намойиш этилмоқда

*Мамлакатимизда Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги қизғин давом этмоқда. Мазкур нуфузли тадбир доирасида кеча Тошкент, Бухоро ва Фарғона шаҳарларида "ICTExpo — 2011" миллий кўргазмаси ўз ишини бошлади.*

Кўргазманинг бир пайтнинг ўзида учта шаҳарда ўтказилишидан кўзланган мақсад ахборот технологияларини ҳаётимизга жорий этишнинг ҳудудий даражаси қанчалик ортиб бораётганини намойиш қилишдир. Ташриф буюрувчилар бу ерда йўлга қўйилган видеокўприк орқали реал вақт режимида ҳар учала кўргазма фаолияти билан яқиндан танишишлари, иштирокчилар томонидан тақдим этилаётган илғор технологиялар ва замонавий хизмат турлари, АКТ соҳасидаги энг сўнгги янгиликлардан хабардор бўлишлари мумкин.

"ICTExpo — 2011"да мамлакатимиз компаниялари билан бир қаторда, Жанубий Корея, Хитой, Австрия, Германия, Венгрия, Россия, Украина ва бошқа давлатларнинг телекоммуникация ускуналари, компьютер технологиялари ҳамда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилари, коммуникация хизматлари кўрсатувчи провайдерлари ҳам иштирок этмоқда.

— Ҳозирги вақтда мамлакатимиз собиқ иттифоқ ҳудудида биринчилардан бўлиб рақамли ва кенг форматли телевидениега тўлиқ ўтиш бўйича катта миқёсдаги дастурни амалга оширмоқда, — дейди пойтахтимиздаги "Ўзкўргазмасавдо" мажмуида ташкил этилган кўргазма иштирокчиси, "Uzdigital TV" компаниясининг абонентларга хизмат кўрсатиш бўлими ходими Отабек Абидов. — Бундай телевидениенинг афзаллиги шундаки, унда битта анъанавий телеканал ўрнига бир қанча рақамли телеканалларни шакллантириш, видеотасвирларни юқори даражада аниқлик билан узатиш имконияти мавжуд. Бизнинг компаниямиз юртимиз аҳолисига шундай телевидениени тақдим этиб келмоқда. Фаолиятимизни 2009 йилда бошлаганмиз. Бугунги кунда Тошкент шаҳри, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё, Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида 19 мингдан ортиқ абонентларга хизмат кўрсатаяпмиз. Мижозларимиз анъанавий телевизор орқали 36 та каналнни кўришлари мумкин. HD форматидаги телесигналларни қабул қила оладиган телевизорлар учун эса қўшимча 4 та канал тақдим этилаётир. Жорий йил охиригача HD-тюнерларини олиб келишни мўлжаллаганмиз. Ушбу режа амалга ошса, барча абонентларимиз тўлиқ 40 та каналдан баҳраманд бўлишади.

(Давоми 2-бетда).

## ЖАКАРТАДА ТАНТАНАЛИ ҚАБУЛ МАРОСИМИ

### Ўзбекистон халқининг қутлуғ байрамига бағишланди

***Индонезия пойтахтида мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан тантанали қабул маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистоннинг Жакартадаги элчихонаси томонидан ташкил этилган ушбу муҳим тадбирда мамлакат пойтахтида аккредитациядан ўтган дипломатик корпус, Индонезия вазирлик ва идораларининг вакиллари, жамоат арбоблари ҳамда бир қатор хусусий компаниялар раҳбарлари иштирок этди.***

**Биз ва жаҳон**

Тадбир қатнашчилари Ўзбекистонда истиқлол йилларида амалга оширилган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар самаралари, юртимизнинг сармоя ҳамда сайёҳлик соҳасидаги улкан салоҳияти хусусидаги маълумотлар билан таништирилди. Шунингдек, қабул маросими доирасида ўзбек халқининг бой ва ўзига хос маданияти ҳамда анъаналари, табаррук заминимиз бағридаги бетакрор қадимий шаҳарлар тўғрисида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм ҳам иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

Тадбир чоғида Ўзбекистон ва Индонезия ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни кенгайтиришнинг истиқболлари билан боғлиқ масалаларга алоҳида урғу берилди.

**Индонезия қишлоқ хўжалик вазири Сисвоно** Ўзбекистон халқи ва раҳбариятини ушбу муҳим байрам билан самимий муборакбод этар экан, мамлакатимизнинг суверен тараққиёт йиллари давомида барча соҳаларда қўлга киритган муваффақиятларига юксак баҳо бергани ҳолда, республикамиз минтақавий ва умумбашарий жараёнларда фаол ўрин тутаётганини алоҳида қайд этди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар мавзуига мурожаат қилар экан, у Ўзбекистон ва Индонезияни маънавий қадриятлар яқинлигига асосланган кўп йиллик дўстона алоқалар боғлаб туришини алоҳида таъкидлади. Сисвононинг айтишича, икки мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги ҳамкорлиги изчил ривожланиб бормоқда. Хусусан, "савдо, сармоялар ва сайёҳлик соҳаларидаги ўзаро алоқалар истиқболли йўналишлардан ҳисобланади", деди у.

**Ҳабиби номидаги Жакарта марказининг етакчи илмий ходими Умар Жуоро**нинг фикрича, бундай тадбирлар халқларимизни бир-бирига яқинлаштиришга кўмаклашгани ҳолда, ўзаро маданий мулоқотни ҳам чуқурлаштиради.

Унинг сўзларига қараганда, Ўзбекистон раҳбариятининг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар кўламларини кенгайтириш, турли соҳаларни либераллаштириш, ёшларни қўллаб-қувватлаш, таълим тизимини такомиллаштириш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, халқ маданий меросини қайта тиклаш ва асраб-авайлаш юзасидан кўраётган чора-тадбирлари ҳар жиҳатдан таҳсинга лойиқдир.

**Индонезия Ташқи ишлар вазирлиги Жанубий ва Марказий Осиё мамлакатлари билан алоқалар бошқармасининг директори Ризали Индракесума** ўзбек халқини ушбу қутлуғ сана муносабати билан табриклар экан, мамлакатларимизнинг кўпгина муҳим йўналишлар бўйича ўзаро алоқалари кўлами изчил кенгайиб бораётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

## ЭЗГУ МАҚСАДИМИЗ – ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ

***Ҳар бир юртнинг бугуни ва келажаги, чин маънода, мамлакат таълим тизими қай даражада ривож топганлиги билан белгиланади. Зеро, Ватан тараққиёти, миллат истиқболи шу заминда вояга етаётган ўғил-қизлар тақдири билан чамбарчас боғлиқдир.***

**Ғамхўрлик**



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Юртимизда ёш авлод таълим-тарбиясига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилаётганлиги замирида ҳам фарзандларимизнинг фаровон келажаги ҳамда юртнинг эртанги тараққиётини таъминлаш ғояси мужассам. Барчамиз гувоҳи бўлиб турганимиздек, Президентимиз раҳнамолигида ҳаётга татбиқ этилган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури туфайли тизимда туб ўзгаришлар рўй берди. Ўқитиш сифатининг ошиши, ўзига хос ва янгича педагогик усуллардан кенг фойдаланиш каби саъй-ҳаракатлар соҳадаги изчил ислоҳотлар самарасидир. Бинобарин, мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда ўқитувчи-мураббийлар меҳнатини қадрлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1 октябрь санаси умумхалқ байрами — Ўқитувчи ва мураббийлар куни, деб эълон қилиниши бунинг яна бир амалий тасдиғидир.

— Ёшликда олинган билимни тошга ўйилган нақшга менгзайдилар, — дейди пойтахтимизнинг Сергели туманидаги 300-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси Гулистон Қўзиева. — Бу бежиз эмас. Зеро, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига қанчалик жиддий эътибор қаратилса, унинг самараси ҳам шунчалик барвақт кўзга ташланади.

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**

● **БОЙСУН туманидаги "Нуралиев Шерали" хусусий корхонасида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ушбу лойиҳани амалга оширишда банкнинг 50 миллион сўмлик кредити қўл келди. Ҳозир бу ерда ойига ўртача 10 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланмоқда.**

● МАРҲАМАТ шаҳрилик тадбиркор Намунахон Қурбонова саъй-ҳаракати билан импорт ўрнини босувчи юмшоқ ва қаттиқ мебеллар ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилди. 14 кишилик жамоа томонидан буюртма асосида дастлабки 45 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

● **САМАРҚАНД шаҳридаги "Ёшлар маркази"да навбатдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Шаҳар Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда ҳудуддаги 88 та корхона бўш иш ўринлари билан қатнашди. Якунда олий таълим муассасаларини тамомлаган 40 нафарга яқин ёшлар янги жамоалар билан меҳнат шартномаларини имзолади.**

● ШИРИН шаҳрида фаолият юритаётган "Савдо энерго" жамияти томонидан муҳташам тўйхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Банкнинг 100 миллион сўмлик кредити эвазига қад ростлаган ушбу мажмуада турли маросимларни ўтказиш учун барча шарт-шароит яратилган.

● **НАВОИЙ кон-металлургия комбинатига қарашли Шимолий кон бошқармаси жамоаси ташаббуси билан иккита кўп қаватли бино мукаммал таъмирдан чиқарилиб, оилавий ётоқхонага айлантирилди. Бунинг учун қарийб 400 миллион сўм сарфланди.**

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

***Пойтахтимизда "Ўзбекистон матбуоти" форуми ва кўргазмаси ҳамда матбаачилик, ноширлик, реклама, дизайн каби соҳалар ҳамда канцелярия маҳсулотларининг XIII халқаро кўргазмаси очилди.***

## ТАРАҚҚИЁТ ВА ИСТИҚБОЛ

**Кўргазма**

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилмоқда. Унинг очилиш маросимида мамлакатимизда истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга катта эътибор қаратиб келинаётгани алоҳида таъкидланди.

Зотан, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва аҳолининг сиёсий

(Давоми 2-бетда).

## ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

***Юртимизда тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг эркин фаолият юритишини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.***

**Қонун кучга кирди**

Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ҳуқуқий асоси изчил такомиллаштирилмоқда. Бу борада Президентимиз томонидан эълон қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси алоҳида аҳамият касб этаётир. Хусусан, унда демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришга қаратилган муҳим ғоя ва қонунчилик ташаббуслари илгари сурилган.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2011 йил 4 апрелдаги "Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳам ушбу соҳани янада ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан маъқулланган "Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун жорий йилнинг 14 сентябрида матбуотда эълон қилиниб, кучга кирди.

(Давоми 2-бетда).

# ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу Қонун хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилиш тартибини янада такомиллаштириш ва соддалаштиришга доир қоидаларни қамраб олгани билан эътиборга моликдир. Унда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини соддалаштирувчи ҳамда жамиятдаги иқтисодий-ижтимоий муносабатларни бундан-да ривожлантиришга хизмат қилувчи нормалар ўз ифодасини топган.

Шунга уйғун тарзда мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида", "Хусусий корхона тўғрисида", "Фермер хўжалиги тўғрисида" ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги қонунларга муайян ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки уч йил ичида режали текширишдан ўтказилмаслиги ҳақидаги норма шулар жумласидандир. Айни чоғда ушбу қоидадан истисно тариқасида акциз солиғига тортиладиган товарлар ишлаб чиқарувчи ва бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ фаолият юритувчи янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки икки йил мобайнида режали текширишлардан ўтказилмаслиги белгиланди.

"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонунга киритилган бошқа ўзгартишлар ҳам эътиборлидир. Хусусан, ушбу ҳужжатнинг 6-моддаси назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишига махсус ва шахсий гувоҳномалар мавжуд бўлгандагина йўл қўйилиши ҳақидаги норма билан мустаҳкамланди.

Мазкур Қонуннинг 11-моддасига ҳам қатор қўшимчалар киритилди. Жумладан, текширилаётган хўжалик юритувчи субъект текшириш натижалари тўғрисидаги далолатнома(маълумотнома)ни олишдан бош тортган тақдирда, назорат қилувчи органнинг мансабдор шахси буни ўша далолатнома(маълумотнома)да қайд этади ва шу пайтдан эътиборан текшириш тугаган ҳисобланади. Бундай ҳолларда текшириш далолатномасининг нусхаси хўжалик юритувчи субъектга почта орқали буюртма хат билан юборилади.

Демак, янги Қонун нормалари, аввало, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинлигини кенгроқ таъминлашга қаратилган. Бу эса тегишли халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари ҳамда айни чоғда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастуридаги чора-тадбирлар билан ҳам ҳамоҳангдир.

Мухтасар айтганда, ушбу Қонун назорат идораларининг тадбиркорлар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини камайтириш, асоссиз аралашувлар учун жавобгарликни кучайтириш, текширишларни ташкил этиш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Алишер ҲАЗРАТҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимизда биз, ўқитувчиларни қадрлаш, эъзозлаш борасида юксак ғамхўрлик кўрсатилаётгани замирида, энг аввало, ана шу ҳаётий ҳақиқат мужассамдир. Бундай эътибор бизни касбга муҳаббат ҳисси билан ёндашишга,

## ЭЗГУ МАҚСАДИМИЗ – ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ

фидойилик билан меҳнат қилишга, янгиликлар яратишга ундайди.

Эртанги кун эгалари дея, жондан азиз фарзандларимизга умид боғлаймиз, уларга ишонч билдириб, катта-кичик ютуқларидан астойдил қувонамиз. Муҳими, ёшлар тарбиясига алоҳида масъулият, эътибор билан қараш энг ҳаётий вазифа эканлигини ҳар биримиз кун сайин чуқурроқ, теранроқ англаб етмоқдамиз. Шубҳа йўқки, эзгулик сари қўйилаётган бундай залворли қадамлар келажакда ўз мевасини беради ва фарзандларимиз ўз муваффақиятлари билан бизга ғурур бағишлайдилар.

**М. ЎРОҚОВ.**

# ТАРАҚҚИЁТ ВА ИСТИҚБОЛ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



фаоллигини оширишда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларни янада либераллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Юртимизда бунинг учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилган. Бу эса фуқароларимизнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини изчил таъминлаш имконини бермоқда. Ўз навбатида, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, инновациялар, бозор механизмлари кенг жорий этилаётгани, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш миллий тизимининг такомиллаштирилиши, оммавий ахборот воситалари равнақи учун қулайликлар ва преференциялар яратиб берилгани соҳа равнақида муҳим ўрин тутмоқда. Пировардида кейинги ўн йил давомида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 2 баробар, электрон оммавий ахборот воситалари 7 баробар кўпайди. Давлатимиз раҳбари томонидан Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ғоя ва таклифлар, қонунчилик ташаббуслари соҳани изчил модернизация қилиш, ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини кучайтириш, энг муҳими, фуқароларнинг сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга замин яратади.

Бинобарин, Президентимизнинг жорий йил 14 январдаги Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларга оид фармойишига мувофиқ "Ўзбекистон матбуоти" миллий форуми ва кўргазмасининг ташкил этилиши давлатимизда ахборот соҳаси ривожи йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг яна бир ёрқин намойишига айланди.

Форум медиатузилмаларнинг миллий ахборот макони тараққиётини янада жадаллаштиришдаги ҳамда фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ролини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланди. Унда марказий ҳамда маҳаллий нашрлар, теле- ва радиоканаллар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари, жамоатчилик ташкилотлари, шунингдек, дипломатик корпус ва Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Тадбир давомида матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўллари, республикамизда давлат томонидан оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, мустақил электрон оммавий ахборот воситалари тараққиёти каби мавзуларда маърузалар тингланди. Қолаверса, унда республикамизда рўёбга чиқарилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, халқимизнинг бой тарихи, маданиятини ўзида ифода этган фототақдимот ҳам ўтказилди.

Мазкур тадбирнинг "Ўзбекистон матбуоти" миллий кўргазмаси республикамизда ахборот соҳасини либераллаштириш, маҳаллий медиамакон равнақи намойишига уланиб кетди. Унда давлат нашрлари қатори нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳам фаол қатнашмоқда.

— Диёримизда ахборот технологиялари, ахборот алмашинув механизмлари тобора тараққий этиб бормоқда, — дейди "Darakchi Media Press" масъулияти чекланган жамияти директори Қобулжон Аҳмедов. — Бизнинг газета ҳам юртимизда нодавлат оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлашга қаратилаётган катта эътибор туфайли маҳаллий ахборот маконида ўз ўрнини топиб бораяпти. Бу жараёнда соғлом рақобат муҳити нашрлар учун тараққиётга замин бўлаётир. Масалан, илгари газетамизнинг асосини кўнгилочар материаллар ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда долзарб мавзудаги, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий йўналишдаги мавзулар қамровини кенгайтирдик. Бугунги кўргазма эса тегишли ташкилотлар, муассасалар билан ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашда қўл келиши аниқ.

"Ўзбекистон матбуоти" миллий кўргазмасининг матбаачилик, ноширлик, реклама, дизайн каби соҳалар ҳамда канцелярия маҳсулотларининг XIII халқаро кўргазмаси билан бирга ўтказилаётгани бежиз эмас. Зеро, оммавий ахборот воситалари ривожи ноширлик-матбаачилик саноатининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш борасидаги ютуқлар билан узвий боғлиқдир. Шу боис иштирокчиларда мазкур технологик янгиланиш ва юксалишлар намойишига қизиқиш катта. Таъкидлаш жоизки, 1999 йилдан буён ўтказиб келинаётган ушбу тадбир нуфузи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Унда республикамизнинг 60 дан ортиқ етакчи матбаа корхоналари, нашриёт ташкилотлари ва Германия, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Россия, Хитой, Украина каби давлатлар компаниялари вакиллари қатнашаётгани бунинг тасдиғидир.

— Ушбу кўргазма полиграфия, матбаа, реклама соҳаларидаги ютуқларни оммалаштириш, янги ҳамкорлар топиш имконини бериши билан аҳамиятлидир, — дейди "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош директори ўринбосари Равшан Ҳамзаев. — Биз унда мунтазам иштирок этиб келамиз. Бугун компаниямизда етмишдан ортиқ номдаги газеталар ва ўттизга яқин журналлар чоп этилмоқда. Айни чоғда турли йўналишдаги китоб маҳсулотлари — илмий-оммабоп, бадиий адабиётлар, дарсликлар нашр қилинаяпти. Маҳсулотларимиз "Шарқ зиёкори" савдо мажмуаси орқали харидорларга етказиб берилмоқда. Ушбу мажмуада ўзига хос янгиликни йўлга қўйганмиз. Яъни республикамизда ягона бўлган "Қўлёзмадан — харидоргача" усули асосида ҳали сиёҳи қотиб улгурмаган китоблар қисқа вақт ичида вилоятлардаги китоб дўконларига етказиб берилмоқда. Бундан ташқари, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўқув қуроллари ишлаб чиқарилмоқда.

Мухтасар айтганда, мазкур кўргазмалар мамлакатимизда медиа индустрияси, матбаачилик, ноширлик ва китоб саноатининг янада ривожланиши ҳамда соҳадаги ўзаро манфаатли алоқаларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

**Саиджон МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

# ЖАКАРТАДА ТАНТАНАЛИ ҚАБУЛ МАРОСИМИ

## Ўзбекистон халқининг қутлуғ байрамига бағишланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

У, шунингдек, олдинда турган ҳукуматлараро комиссиянинг иккинчи йиғилиши икки давлат ўртасидаги савдо муносабатлари ривожига жиддий туртки беришини алоҳида қайд этди.

**Индонезия Савдо-саноат палатасининг раҳбари Суря Сулисто** ҳам халқимизни мамлакатимиз мустақиллиги юбилейи билан қутлаб, ушбу тантанали қабул маросимида қатнашаётганидан мамнун эканини билдирди.

У Ўзбекистон — Индонезия ҳукуматлараро комиссиясининг иккинчи йиғилиши ҳамда унинг доирасида ўтказиладиган бизнес анжуманида иштирок этишдан манфаатдор эканлигини маълум қилгани ҳолда, бундай муҳим тадбирлар мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар ва ўзаро амалий алоқаларни ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эгалигини таъкидлади.

**Индонезиянинг "Индорама Групп" компанияси катта директори Арун Танежи** Ўзбекистоннинг сармоявий ҳамкорлик ва экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқариш масалаларига жиддий эътибор қаратаётгани диққатга сазовор эканини қайд этган бўлса, **"Кватро Холидейз" сайёҳлик компанияси менежери Рио Тантрисия** мамлакатимизда бутун мусулмон дунёсига маълум ва машҳур алломаларнинг зиёратгоҳлари жуда кўплиги ҳам Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасининг истиқболини белгиловчи муҳим омиллардан саналишини алоҳида таъкидлади.

**«Жаҳон» АА.**
Жакарта

Ислоҳот



# СУРХОН ИПАГИ – ЖАҲОН БОЗОРИДА

***Бугун саноат равнақини замонавий технологияларсиз тасаввур этиш мушкул. Негаки, маҳсулот сифатли, рақобатбардош, замон талабларига мос бўлсагина, у харидор эътиборига тушади, ички ва ташқи бозорда ўз ўрнини топади. Шу боис мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ ишлаб чиқаришни модернизациялаш, саноат корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш устувор вазифага айланди.***

Пировардида "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" тамғаси остидаги кўплаб турдаги маҳсулотлар ҳозир жаҳон бозорида ҳам маълуму машҳур. Бундай харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналар эса бугун юртимизда кўплаб топилади.

Термиз шаҳридаги "Термиз — Сурхон — Силк" корхонаси ана шундай йирик ишлаб чиқариш субъектларидан бири. Бу ерга Хитойдан 700 минг АҚШ доллари эвазига янги технологиялар келтириб ўрнатилгач, иш унумдорлиги ҳам, маҳсулот сифати ҳам ошди. Айни пайтда корхонанинг қарийб 400 кишилик жамоаси ойига 7-8 тонна ипакдан атлас, адрас ва бошқа кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқаришда кенг қўлланиладиган уч турдаги ипак калава тайёрлашмоқда. Эътиборли жиҳати, маҳсулотнинг 90 фоиздан зиёди экспорт қилинаётир.

Дарҳақиқат, сифат — самарадорлик омили. Шу туфайли "Термиз — Сурхон — Силк"да, энг аввало, маҳсулот сифатига катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса истеъмолчиларга манзур келиб, корхона даромадига даромад қўшаяпти. Хусусан, жамоа экспорт қилинган маҳсулот ҳисобидан ўтган йилни 61 миллион сўм фойда билан якунлагани ҳам буни яққол тасдиқлайди.

Корхона бош ҳисобчиси Мажид Хурсановнинг таъкидлашича, жорий йилнинг биринчи ярмида қўлга киритилган натижалар ҳам ижобий. Жумладан, ушбу даврда 2 миллиард 391,2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бунинг эвазига олинган 58 миллион сўм фойда корхона ғазнасига келиб тушди.

Илғор технологияларни бошқаришда малакали кадрларга суянилади. Айни пайтда корхона ишчи-хизматчиларининг 73 фоизи ёшлардан иборат эканлиги бунинг исботидир. Замонавий дастгоҳларда ипак йигириш бўйича мутахассислар Термиз туманидаги Янгиариқ қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида тайёрланмоқда. Битирувчи, корхона ва коллеж ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, ўқувчилар ҳар йили ишлаб чиқариш амалиётини шу ерда ўташади. Ўқишни битиргач эса, корхонага ишга қабул қилинади.

Дарвоқе, бу ерда мўъжазгина лаборатория ҳам бор. Корхона цехларида тайёрланган маҳсулотлар ушбу лабораторияларга келтирилиб, уларнинг сифати тажрибали мутахассислар томонидан кўздан кечирилгачгина, қадоқлаш бўлимига ўтказилади. Шундан сўнг чиройли қадоқланган маҳсулотлар экспортга жўнатилади.

Албатта, изланиш янги муваффақиятлар сари йўл очади. Буни яхши англаган "Термиз — Сурхон — Силк" жамоаси айни кунда ўз фаолиятини янада такомиллаштириш устида изланишлар олиб бормоқда. Зеро, бунинг самараси истиқболда нафақат корхонага, балки вилоят иқтисодиёти равнақига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши, шубҳасиз.

**Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**
**Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.**

# ЎЗБЕК ТОЛАСИНИНГ ЮҚОРИ СИФАТИ

## дунё саноатчиларини ўзига чорламоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Марказимизда толани сертификатлаш ва тойларни синовдан ўтказиш жараёни энг замонавий "HVI" тизими ёрдамида амалга оширилади. Мазкур тизим орқали, шунингдек, толанинг барча хусусиятлари, яъни унинг узунлиги, узунлик бўйича бир хиллиги, пишиқлиги, ранги, тозалиги, микронейри, калта тола миқдори, эгилувчанлиги каби кўрсаткичларни ҳам аниқлаш мумкин. Барча ҳудудий лабораторияларимиз ушбу тизим билан таъминлангани бунда қўл келмоқда. Гап шундаки, ҳудудий лабораториялар вакиллари пахта тозалаш корхоналарида прессдан чиқаётган ҳар бир тойдан намуна олиб, унинг оғирлигини ўлчайди. Шундан сўнг той ва намунага алоҳида ёрлиқлар ёпиштирилиб, ҳудудий лабораторияга жўнатилади. Бу ерда ҳаво ҳарорати ҳамда намлик шартларига қатъий риоя қилинган ҳолда, уларнинг параметрлари "HVI" тизимида синовдан ўтказилади. Синов натижаларига асосан, тола тўдаларига мувофиқлик сертификатлари расмийлаштирилиб, ишлаб чиқарувчи корхоналарга тақдим этилади.

Айтиш жоизки, юртимизда пахтанинг рақобатбардош селекция навлари яратилиб, пахта тозалаш корхоналарининг тубдан модернизация қилинаётгани толамизнинг сифат кўрсаткичлари ўсишини таъминламоқда. Мисол учун, 2009 йилда етиштирилган пахта толасининг 50,6 фоизи биринчи нав сифатида қайд этилган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 74,1 фоизга етди. Айни чоғда 4-5 нав тола миқдори 2009 йилда 18,5 фоизни ташкил қилган бўлса, 2010 йил ҳосилида бу кўрсаткич 9,8 фоиздан иборат бўлди.

Толанинг ранги бўйича нави яхшилангани натижасида эса унинг ифлосланиш даражасини белгиловчи синфларида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Айтайлик, 2009 йилда "Олий" ва "Яхши" синфларнинг умумий миқдори 77,6 фоизни ташкил қилган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 87,1 фоизга етди. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Навоий, Бухоро ва Хоразм вилоятларининг айрим пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқарилган толанинг 95 фоизидан кўпроғи ушбу синфларга мансуб бўлганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Бундан ташқари, пахтамизнинг калта толаси миқдори ҳам бошқа давлатлардаги шундай толаларга нисбатан анча паст. Бу, ўз навбатида, толадан чиқадиган калава ип миқдорининг ошишини таъминламоқда.

Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, мазкур ярмарка ўзбек пахтасини экспорт қилиш борасида Ўзбекистоннинг ва ҳамкорларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига мос келадиган янги, самарали воситаларни ривожлантириш, истиқболда янада ишончли, барқарор иқтисодий муносабатлар ўрнатиш учун мустаҳкам асос яратишга хизмат қилмоқда. Навбатдаги тадбир эса бу борада янги босқични бошлаб бериши муқаррардир.

**Ҳаким УМАРХОДЖАЕВ, Ўзбекистон «Сифат» маркази бош директори.**

# ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР, ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТЛАР

## "ICTExpo — 2011" миллий кўргазмасида намойиш этилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кўргазмада компаниямиз, у кўрсатаётган хизмат турлари ва янгиликлар ҳақида ташриф буюрувчиларга батафсил маълумот бераяпмиз.

— Биз таклиф этаётган "Maxtrack" ҳамда "BioTrack" деб номланган замонавий ахборот-коммуникация тизими кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда, — дейди "NEWMAX TECHNOLOGIES" масъулияти чекланган жамияти директори Равшан Охунжонов. — Масалан, корхона ва ташкилотлар "Maxtrack" тизимидан фойдаланиб, ўз ҳайдовчиларининг қаерда эканини, техникаси қанча йўл босганини, қанча ёнилғи сарфлаганини, хуллас, барча маълумотларни интернетдаги электрон харита орқали назорат қилиб туриш имкониятига эга бўладилар. Бунинг учун автомобилга GPS ва GSM технологиялари асосида ишловчи мослама ўрнатилади, назорат қилувчига эса глобал тармоқдаги харитани очиш учун махсус пароль тақдим этилади. Бу ходимнинг режадан ташқари ҳаракатланишига, ортиқча харажат қилишига чек қўяди. Автотранспорт хизмати кўрсатувчи фирма ҳамда компаниялар, тадбиркорлар, оддий кишилар ҳам бу тизимдан бемалол фойдаланишлари мумкин.

Кўргазма дастури кенг ва ранг-баранг бўлиб, ундан кўплаб ўқув семинарлари, давра суҳбатлари, кўнгилочар тадбирлар ўрин олган. Шунингдек, Ўзбекистонда интернет-провайдингни ривожлантириш масалалари бўйича давра суҳбати, олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейлар жамоалари ўртасида "Компьютер спорти бўйича "ICT — students" универсиадаси", "Uzbekistan Cyber Games — 2011" — компьютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионатининг финал босқичини ўтказиш режалаштирилган.

**Шавкат ОРТИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МУҲОФАЗАСИ

## соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор мақсадидир

***Фарзанд — ота-онанинг ёруғ умиди, юрт келажаги. Унинг маънан ва жисмонан етук бўлиб вояга етиши, баркамоллик сари интилиши учун алоҳида ёндашув ҳамда эътибор зарур. Мазкур ҳаётий ҳақиқат бугун юртимизда оналар ва болалар саломатлигини асраш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар мисолида ҳам яққол намоён бўлаётир.***

Фахрлансак арзийдики, республикамизда ушбу йўналишда олиб борилаётган эзгу ишлар, ютуқ ва натижалар халқаро доираларда эътироф этилиб, ўзига хос миллий модель сифатида тан олинмоқда. Яқинда "Save the children" ("Болаларни асрайлик") халқаро ташкилоти ташаббуси билан тузилган жаҳон рейтингида Ўзбекистонимиз болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилаётган энг етакчи ўн мамлакат сафидан жой олди. Шубҳасиз, ушбу эътироф Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилган мақсадли дастурлар, хайрли чора-тадбирлар самарасидир.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуманда ҳам айни мавзуда сўз борар экан, эришилган ижобий кўрсаткичлар алоҳида қайд этилди. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган мазкур анжуманда соҳа мутасаддилари, педиатрия, скрининг, перинатал ва репродуктив саломатлик марказларининг мутахассислари, хорижий ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тиббиёт

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, сўнгги йилларга келиб, республикамизда тиббиётнинг бирламчи бўғини фаолияти такомиллаштирилди, жойларда оналик ва болалик муҳофазаси йўналишида иш олиб борувчи қатор ихтисослаштирилган марказлар фаолияти йўлга қўйилди. Бугун ушбу тиббий масканларда ирсий хасталиклар билан туғилиш, ногиронлик ҳамда юқумли касалликларнинг олдини олиш, оналар ва болаларга юксак сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имкони яратилди.

Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, жойларда комплекс равишда иш олиб борилмоқда. Натижада биргина 2010 йилда икки мингдан зиёд туғма нуқсонли болалар туғилишининг олди олинди. Оналар, болалар ўлими даражаси икки-уч баробарга камайди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А. Икрамовнинг маълумот беришича, бутун жаҳон бўйича белгиланган меъёрий тамойилларга кўра, оналар ва болаларга зарур даволаш хизматларини кўрсатиш учун ҳар 10 минг аҳолига 23 нафар тиббиёт ходими тўғри келиши керак. Юртимизда бу кўрсаткич нафақат шаҳар марказлари, балки энг чекка қишлоқ жойларда ҳам халқаро талабларга тўла мосдир. Табиийки, олис ҳудудларда яратилган шарт-шароит ва имкониятлар туфайли кенг жамоатчиликнинг тиббий маданият даражаси тобора юксалиб бормоқда, юқумли хасталикларга чалиниш хавфи сезиларли даражада камайишига эришилаётир.

Тизимда рўй бераётган шу каби ижобий ўзгаришлар ҳамда соҳадаги долзарб масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилган матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

**Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг | УН олий нав 727,4 ▲ + 13,1 | УН биринчи нав 506,2 ▼ - 17,9 | УН иккинчи нав 468,7 ▼ - 2,9 | ПАХТА ЁҒИ 1932,4 ▼ - 52,1 | СУЛЬФАТ АММОНИЙ 213,1 ▼ - 0,6 |

***Чароғонликка не етсин. Хонадонингиз нурафшон бўлса, кўнглингиз ҳам ёришади. Лоақал бир кун, ҳатто, бир соат уйингизга электр қуввати келмай қолса-чи? Қандай аҳволга тушасиз? Шубҳа йўқки, ўзингизни қўярга жой тополмай, хунобингиз ошади. Кундалик ҳаётда электр энергияси нақадар зарур эканлигини янада чуқурроқ ҳис қиласиз. Шундай эмасми? Аммо ҳамманинг ҳам кўнглидан бундай фикр кечавермайди. Аммо орамизда фаровонлигимизга хизмат қилаётган, қолаверса, юз минглаб корхона ҳамда ташкилотларнинг, завод ва фабрикаларнинг бир маромда ишлаб туришини таъминлаётган электр энергиясининг қадрига етмаётганлар ҳам учраб туради. "Ўздавэнергоназорат" инспекциясининг асосий вазифаси айнан ана шу ресурсдан мақсадга мувофиқ фойдаланишни назорат қилиш, истеъмолчиларда тежамкорлик масъулиятини шакллантириш, тизимга оид қабул қилинган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Электр энергетикаси тўғрисида"ги Қонуни талаблари бажарилишини таъминлашдан иборатдир.***

# ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ

## энг аввало, самарадорликни ошириш ва тежамкорликка имкон яратади

Шуни таъкидлаш жоизки, мустақиллик туфайли Ўзбекистон дунёда ўзини ўзи электр энергияси билан таъминлайдиган мамлакатлардан бирига айланди. Ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламлиислоҳотларнинг самараси ўлароқ, электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг имконияти йил сайин кенгайиб бораётир. Бироқ бу ҳеч кимга минг бир машаққат ва заҳмат ила ҳосил қилинадиган ресурсларга хўжасизларча муносабатда бўлиш ҳуқуқини бермайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган мажлиси баённомасида "Ўздавэнергоназорат" инспекцияси зиммасига электр энергияси ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, истеъмолчиларга етказиб бериш, улардан, шу қаторда кўмир ёқилғисидан оқилона ва унумли фойдаланиш устидан самарали давлат назоратини ўрнатиш бўйича қатор вазифалар юклатилган эди.

Улар ижросини таъминлаш юзасидан жорий йилда бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Чунончи, 484 та комплекс текширув ўтказилиб, 330 та ҳолатда қоидабузарлик аниқланди. Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларининг бузилишига йўл қўйган истеъмолчиларга нисбатан умумий қиймати 209,9 миллион сўмлик иқтисодий жазо чоралари қўлланилди. Инсон ҳаётига хавф солиб турган технологик ускуналарда аварияларнинг содир бўлиши ҳамда энергиядан нооқилона фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида 309 та тадбиркорлик субъектига тегишли электр ускуналари тармоқдан узиб қўйилди. Қонунбузарликка йўл қўйган 34 та тадбиркорлик субъекти бўйича тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқ-тартибот идораларига тақдим этилди.

Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, истеъмол қилишда хавфсизликни таъминлашга қаратилган профилактик чора-тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш "Ўздавэнергоназорат" инспекцияси вакиллари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Айни шу йўналишда олиб борилган текширишлар натижасида 4758 та қоида бузиш ҳолати аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берилди. Техник эксплуатация қоидалари талабларининг бажарилмаслиги натижасида инсон ҳаётига хавф туғдирувчи 335 та электр қурилмалари, ишларни олиб боришда хавфсизлик техникаси қоидалари талаблари бузилганлиги учун 103 та бригада фаолияти тўхтатиб қўйилди.

### Қарор ва ижро

Текширилган барча Туман электр тармоқлари(ТЭТ)да "Ўзбекистон Республикаси электр станциялари ва тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидалари"нинг энергетик объектларга техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва модернизациялашга оид талаблари тўлиқ бажарилмаётгани маълум бўлди. Масалан, "Хоразм ҲЭТК" ОАЖнинг Урганч ТЭТи бўйича мукаммал таъмирлаш ишларини бажаришда қуйидаги камчиликлар аниқланган: *ҳаво тармоқлари бўйича:* яроқсиз ҳолга келган 6 дона темир-бетон таянчи, 11 дона темир-бетон қўшимча мосламаси, 39 дона изолятор, 0,15 км. узунликдаги симлар алмаштирилмаган; *трансформатор пунктлари бўйича:* 4 дона автомат, 10 дона юқори кучланишли сақлагич, 21 метр коммутация симлари, 3 дона изоляторни алмаштириш ишлари амалга оширилмаган.

Шу каби камчиликлар "Фарғона ҲЭТК" ОАЖнинг Риштон ТЭТида, "Тошкент ҲЭТК" ОАЖнинг Қибрай ТЭТида, "Бухоро ҲЭТК" ОАЖнинг Нурчи-110/35/10 кВ подстанциясида ҳам қайд этилди. Турган гапки, текширишлар давомида аниқланган масъулиятсизликка йўл қўйган айбдор шахсларга, жумладан, хизмат ва бўлинмаларнинг раҳбарларига нисбатан кескин чора кўриш бўйича компания корхоналари раҳбарларига кўрсатмалар берилди. "Ўздавэнергоназорат" инспекцияси техник инспекторларининг кўрсатмалари бўйича қоида бузувчиларга тегишли жазо чоралари қўлланилди.

Инспекциянинг техник инспекторлари томонидан Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги "2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарорига киритилган инвестициявий лойиҳаларнинг "Ўзбекэнерго" ДАКка тааллуқли қисми қандай амалга оширилиши устидан ҳам мунтазам мониторинг ўтказилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 7 февралдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти субъектларига қулай шароитлар яратиш мақсадида "Ўздавэнергоназорат" инспекцияси томонидан "Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қуввати 50 кВтгача бўлган электр қурилмаларини электр тармоқларига улашнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисида Низом" ишлаб чиқилиб, амалга киритилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида инспекцияга янги ишга туширилаётган ва таъмирланган объектларнинг ташқи ҳамда ички электр таъминоти лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш юзасидан 1318 та ариза тушди. Шулардан 1227 та лойиҳанинг келишилганлиги ҳақида қарор чиқарилди. Қолган лойиҳалар эса мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун қайтарилди. Қолаверса, электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва истеъмол қилиш бўйича талабларни ўз ичига олган 6 та техник шарт кўриб чиқилди. Бунда, албатта, биринчи галда хавфсизлик ва энергия самарадорлиги эътиборга олинди.

— Ҳар бир ишнинг ўз меъёри бўлгани каби, электр энергиясидан фойдаланишда ҳам тежамкорликка эътибор берсак, нур устига аъло нур бўларди, — дейди "Ўздавэнергоназорат" инспекцияси раҳбари А. Ниматуллаев. — Зеро, иқтисодиётимизнинг асоси бўлган электр энергияси ҳар кун, ҳар дақиқа ҳаммага керак.

Инспекция ходимларининг малакасини мунтазам равишда ошириб бориш ҳам эътиборимиздан четда қолаётгани йўқ. Шу мақсадда доимий равишда техник-ўқув машғулотлари ўтказишни йўлга қўйганмиз. Бу ўзининг кутилган самарасини бермоқда. Яъни инспекция ходимлари ва электр тармоқлари корхоналари вакилларининг жипс ва ҳамкорликда фаолият кўрсатишини таъминламоқда, муддати ўтган боқиманда қарздорликлари мавжуд ҳамда электр тармоқларига ўзбошимчалик билан ноқонуний тарзда уланиб олган истеъмолчиларни аниқлаш, уларга нисбатан тегишлича чоралар қўллаш юзасидан рейдлар ўтказишда қўл келмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида электр энергияси истеъмол қилишда қоидабузарликка йўл қўйган 4590 нафар истеъмолчи аниқланиб, уларга электр энергияси бериш тўхтатилди. "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компаниясининг ҳудудий электр тармоқларида истеъмолчилар томонидан қоида бузилишларга йўл қўйган электр тармоқлари корхоналарининг 203 нафар ходимига нисбатан турли жазо чоралари қўлланилди.

Энергетика тизимининг бир маромда ишлаб туриши ва ривожланиши истеъмолчилар томонидан электр энергияси ҳақининг ўз вақтида ва тўлиқ тўлаб борилишига ҳам боғлиқ. Баъзи улгуржи истеъмолчилар сарфланган энергия ҳақини муддатида тўламаётгани, тизим равнақига салбий таъсир кўрсатаётгани сир эмас. Аҳоли орасида ҳам электр энергиясидан бемалол ва истаганича фойдаланиб, ҳақини тўлашга келганда, уни пайсалга солаётган истеъмолчилар ҳам анча. Буни улар онгига етказиш, энергиядан фойдаланишдаги қонун ва қоидабузарликнинг олдини олиш ҳамда профилактика мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали доимий равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, телевидение ва радио орқали бир қанча чиқишлар уюштирилди, матбуотда мақолалар чоп этилди, кўплаб семинарлар ўтказилди. Шунингдек, "Очиқ эшиклар" кунлари ташкил этилмоқда. Масалан, биргина "Очиқ эшиклар" кунларида 436 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти иштирок этди. "Ишонч телефони" орқали 367 нафар хусусий тадбиркор тўғридан-тўғри арз ва шикоятлари билан мурожаат қилди. Шуни айтиш керакки, "Ўздавэнергоназорат" инспекцияси интернет тармоғида ўз расмий сайтига эга. Бу сайтга фуқаролардан ва истеъмолчилардан мурожаатлар келиб тушмоқда ҳамда уларнинг барчасига ўз вақтида тегишли жавоблар берилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, "Ўздавэнергоназорат" инспекцияси иқтисодиётимизнинг асоси бўлган электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришда хавфсизликни таъминлаш, ундан фойдаланишда тежамкорлик меъёрларига риоя қилиш устидан назоратни кучайтириш борасидаги ишларини бундан кейин ҳам изчил давом эттиради.

**Маъсуда ЁҚУБОВА.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИ

**Ўзбекистон Республикаси фан-техника тараққиётининг устуворликлари доирасида республикада инновация фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида 2012 — 2013 йилларда бажарилиши мўлжалланган**

**инновация лойиҳалари танловини эълон қилади.**

Инновация лойиҳалари илмий тадқиқот натижаларини иқтисодиёт тармоқларида, республикамиз минтақаларида ўзлаштиришга, энергия ва ресурсларнинг тежалишини таъминлашга, ишлаб чиқаришда илғор технологияларни жорий қилишга, маҳаллий хом ашёдан рақобатбардош илмий кўламдор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишга йўналтирилган бўлиши лозим.

Танловга тегишли бўлган зарур маълумотлар билан Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасида ҳамда www.uzscience.uz интернет сайтида танишиш мумкин.

Лойиҳалар Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасида эълон чоп этилган кундан бошлаб, жорий йилнинг 25 октябригача, шанба ва якшанбадан ташқари соат 14.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилда қабул қилинади: **Тошкент шаҳри, Я. Ғуломов кўчаси, 70-уй.** Маълумот учун телефонлар: **(8-371) 233-25-65, 233-99-53, 233-69-61**.

1296R/1113




22R/1565

**ЎЗ СТЕНДИНГИЗГА ЭГА БЎЛИНГ!** Иштирок этиш масалалари бўйича ташкилотчилар офисига мурожаат қилинг 113 01 80




miningworld UZBEKISTAN
**ТОҒ-КОН ИШИ**
6-ЎЗБЕК ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ

MACHINERY CENTRAL ASIA
**МЕТАЛЛУРГИЯ ВА МАШИНАСОЗЛИК**
4-МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ

UZCOMAK
**ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ ВА КОММУНАЛ ТЕХНИКА**
3-ЎЗБЕК ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ

CENTRAL ASIAN INDUSTRIAL WEEK
**2011 йил 5 — 7 октябрь** «Ўзэкспомарказ» Тошкент, Ўзбекистон

ТАШКИЛОТЧИ ITE
ITE Uzbekistan
Мустақиллик шоҳкўчаси, 59-«А» уй. Тошкент, 100000, Ўзбекистон.
Тел.: +(998 71) 113 01 80, Факс: +(998 71) 237 22 72, E-mail: post@ite-uzbekistan.uz, Web: www.ite-uzbekistan.uz
ufi Member
Guvohnoma № 3583
1244H/30

**ЗАВОД ТТЕМZ ИЗГОТАВЛИВАЕТ И РЕАЛИЗУЕТ:**

Под заказ




ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

**АВТОКРАНЫ**
для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

**КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ**
- максимальная грузоподъемность – 14 т.
- максимальная высота подъема – 14,5 м.

**КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**
- максимальная грузоподъемность – 16 т.
- максимальная высота подъема – 25 м (с гуськом).

**КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**
- максимальная грузоподъемность – 25 т.
- максимальная высота подъема – 30 м (с гуськом).

**КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А**
Товар сертифицирован
предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий
- максимальная грузоподъемность – 8 т.
- максимальная длина стрелы – 30 м (с кареткой).
- максимальная высота подъема горизонтально — 41,5 м, наклонно — 57,5 м.




Товар сертифицирован




**КРАНОМАНИПУЛЯТОРЫ И АВТОВЫШКИ**
на шасси:
**ISUZU, КАМАЗ, МАЗ и др.**

| МОДЕЛЬ | высота подъема люльки | ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬ |
|---|---|---|
| KRANTAS - 335 | 15 м | 3,2 т |
| KRANTAS - 736 | 21,5 м | 6 т |

**АВТОЦИСТЕРНЫ И АВТОТОПЛИВО-ЗАПРАВЩИКИ**
**Объемом 8м³ и 12м³ на шасси MAN, КАМАЗ, МАЗ.**



Под заказ

**Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05. Факс: 262-23-61, 269-39-66.**
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz
688R/1437



**ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР**

**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**
ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 500 000 сўмдан бошлаб.**

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.**

**Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.**

**Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120.**
**Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 600 000 сўмдан бошлаб.**

**КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ — 80х40х15, 100х40х15, 100х50х20, 120х60х20, 140х60х20, 160х70х20, 180х70х20, 200х70х20. Девор қалинлиги 2,0 - 3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.**

**ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.**

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**
1012R/227

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ОМИХТА ЕМ 295,7 ▼ - 58,5 | ШРОТ 308,9 ▲+13,6 | ШЕЛУХА 129,8 ▲ +2,5 | ПОЛИЭТИЛЕН B-Y 460 4296,3 ▼ - 738,6 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 4841,4 ▼ - 78,6 | ПОЛИЭТИЛЕН I-1561 4942,3 ▲+ 28,8 | МАЗУТ 351,6 ▲ + 10,5 | СУЮЛТ. ГАЗ 2597,3 ▼ - 44,9 | КЎМИР(бпк) 37,9 ▲ + 0,7 |

# НАВОИЙ ДАҲОСИНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

*Буюк ижодкорлар томонидан яратилган асарлар инсон камолотида муҳим аҳамият касб этиши азалдан аён. Улуғ мутафаккир бобокалонимиз Алишер Навоий ҳам ана шундай ноёб ижодкор сифатида жаҳон аҳлининг эътирофига сазовор бўлган. Ҳазратнинг дурдона асарлари инсонпарварлик, муҳаббат ва бағрикенглик сингари эзгу ғоялар билан суғорилган бўлиб, уларда чин севги, адолат тамойиллари, инсонийликка хос гўзал хислатлар ўзининг муносиб ифодасини топган.*



Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида Алишер Навоий асарларини чуқур ўрганиш ва тадқиқ қилиш, айниқса, ёшларимизни бу бебаҳо меросдан кенг бохабар этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Зеро, халқимиз ёруғ ва буюк келажакни ният қилиб олдинга интилмоқда. Келажак сари одимлашда эса юксак маънавият, кенг тафаккур соҳиби бўлиш лозим. Шубҳасиз, бу борада Навоий ижод дунёси ўта муҳим аҳамиятга эга.

Кеча пойтахтимизда бўлиб ўтган халқаро илмий-назарий анжуманда ҳам шу хусусда сўз борди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуман Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамиятига бағишланди.

Тадбир иштирокчилари дастлаб Алишер Навоий номидаги Миллий боғга ташриф буюриб, буюк мутафаккир шоир ҳайкали пойига гулчамбар қўйдилар. Шундан сўнг "Dedeman" меҳмонхонасида халқаро анжуманнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, ўқитувчи-профессорлар, талаба-ёшлар ҳамда бир гуруҳ хорижлик навоийшунос тадқиқотчилар иштирок этди.

### Халқаро анжуман

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Б. Абдуҳалимов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Б. Алимов, навоийшунос олимлар, академик А. Қаюмов ва профессор С. Ғаниева, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, халқ шоирлари Э. Воҳидов ва А. Орипов, Озарбойжон Фанлар академияси Низомий номидаги Адабиёт институти профессорлари, навоийшунос олималар Н. Орасли, О. Улвий ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан Алишер Навоий меросини тадқиқ этиш, мутафаккир даҳосининг халқаро даражадаги обрў-эътиборини янада юксалтириш борасида улкан ишлар амалга оширилганини алоҳида таъкидладилар.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида эришган оламшумул ютуқларимиз туфайли бизни дунё таниди. Улуғ сиймолар яратган бебаҳо асарлар, бой маънавий меросимиз, ўлмас қадриятларимиз, гўзал анъана ва урф-одатлар ҳаётимизга қайтди, юксак қадр топди. Навоий ҳазратларининг улуғвор сиймоси ҳам маънавиятимиз осмонида порлади. Навоийдек даҳолар ўлмас маънавий-фалсафий таълимотлари билан ҳамиша тирик ва ҳамиша ибратлидир.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни



***Жонажон Ватанимизда мустақиллик йилларида улкан ўзгаришлар, янгиланишлар рўй берди. Улар ҳар биримизнинг ҳаётимиз, тақдиримизга дахлдордир. Шу боис бугун босиб ўтилган йўлга назар ташлар эканмиз, Президентимиз раҳнамолигида эришилаётган муваффақиятлардан барчамиз фахру ифтихор ҳиссини туямиз.***

# Юксак эътибор сурури

Мустақиллик — бебаҳо неъмат, у биз учун ўзлигимизни англаш саодатини берди. Хорижга хизмат сафарига ЎЗБЕК бўлиб чиқаяпмиз. Халқаро анжуманларда "Мустақил Ўзбекистон" номи билан маърузалар ўқияпмиз. Спорт мусобақалари, нуфузли танлов ва фестивалларда "Ўзбекистон!" деган калом мағрур янграмоқда. Ахир буларнинг бари истиқлол берган неъматлар эмасми?!

Салоҳиятли ёшларимизнинг илм-фан, спортда эришаётган муваффақиятлари сабаб мамлакатимиз байроғи дунё бўйлаб мағрур ҳилпирамоқда. Жаҳон бизни тан олмоқда, бизга тан бермоқда! Бу эса ўз халқини, Ватанини севган, миллий қадриятларини ҳурмат қиладиган ҳар бир инсонни ғурурлантириши, шубҳасиз.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида Юртбошимизнинг Фармони билан "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" деган фахрий унвонга сазовор бўлдим. Очиғи, хурсандчилигимни сўз билан ифодалаш қийин. Бу нафақат менга, балки Президентимиз Фармони билан ташкил этилган, диний ва дунёвий илмларни ёш авлодга уйғун ҳолда етказишга ҳаракат қилаётган қадрдон жамоам — Тошкент ислом университети фаолиятига берилган юксак баҳодир.

Мустақил Ўзбекистон келажаги илмли, салоҳиятли ва қатъиятли ёшлар қўлида. Биз юрт равнақида фаол иштирок этаётган ана шу ёш авлод тарбиясига баҳоли қудрат ҳисса қўшаётганимиздан фахрланамиз.

**Аҳаджон ҲАСАНОВ,**
**Тошкент ислом университети профессори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.**

# УСТОЗЛИК — УЛУҒ МАРТАБА

*2011 йил ҳаётимда унутилмас йил бўлиб қолади. Чунки Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрами арафасида Президентимиз Фармонига мувофиқ, ёш авлод таълим-тарбиясига қўшаётган камтарона меҳнатим эътиборга олиниб, "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирландим.*

Қатъий ишонч билан айта оламанки, бугунги дориламон кунларнинг қадрига етган, шукрона қилган инсон асло кам бўлмайди. Ўзингиз ўйланг, 20 йиллик қисқа давр ичида мамлакатимиз ва халқимиз қандай машаққатли йўлларни босиб ўтмади? Шукрким, бугун саодатли кунлар зиёсидан иқболимиз кулган, бахтимиз тугал. Юртимиздаги тинчлик ва хотиржамлик боис мамлакатимиз изчил тараққиёт йўлига тушиб олди.

Биргина таълим соҳасини олайлик. Кейинги йилларда ушбу тизим тубдан ўзгариб, замонавийлашди. Хусусан, ўзим ишлаётган мактаб ҳаётида жуда кўп ижобий ўзгаришлар юз берди. Физика ва информатика фанларидан сабоқ олаётган ўқувчиларимиз туман ва Қорақалпоғистон Республикаси миқёсида ўтказилаётган фан олимпиадаларида муттасил ғолиблар қаторидан ўрин олиб келишмоқда.

Ҳамкасблар билан гаплашганда, бу кунларнинг қадрига етишимиз кераклиги таъкидланади. Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган улкан ишларга ҳисса қўшаётганимиздан фахрланамиз. Менга берилган мукофотни бутун жамоа меҳнатига берилган юксак баҳо, деб биламиз.

**Сарбике АСЕТОВА,**
**Қанликўл туманидаги 4-умумтаълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳибаси.**


**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**компьютер техникаси сотиб олиш бўйича танлов (тендер) эълон қилади.**



*Танлов бўйича таклифлар 2011 йил 1 ноябрь куни соат 17.00 гача қабул қилинади.*

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:
**Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 2-уй.**
Телефонлар: **(8-371) 246-43-00, 227-16-48.**
Факс: **(8-371) 227-10-32.**
1306R/1050


### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2011 ЙИЛ 20 АВГУСТДАН 16 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Йўналишсиз таксилар учун ҳисоблагичлар (таксометрлар) ва таниш белгиларини етказиб бериш бўйича юридик шахсларни танлов асосида танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2011 йил 8 июлдаги 112-сонли буйруғи.*

**2011 йил 19 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2256 (2011 йил 29 августдан кучга киради).**

2. «Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2011 йил 26 июлдаги 44, 7, 2011-23-сонли қарори.*

**2011 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2203-1 (2011 йил 2 сентябрдан кучга киради).**

3. «Ягона солиқ тўловининг базавий миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2011 йил 10 августдаги 49, 2011-26-сонли қарори.*

**2011 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2134-1 (2011 йил 2 сентябрдан кучга киради).**

4. «16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби бўйича услубий кўрсатмаларга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2011 йил 13 июлдаги 40, 41-сонли қарори.*

**2011 йил 24 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 740-1 (2011 йил 3 сентябрдан кучга киради).**

5. «Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2011 йил 8 августдаги 01/19-18/04, 27-сонли қарори.*

**2011 йил 24 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2257 (2011 йил 3 сентябрдан кучга киради).**

6. «Кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруқ ва унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғининг 2011 йил 8 августдаги 26-сонли буйруғи.*

**2011 йил 24 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2031-2 (2011 йил 3 сентябрдан кучга киради).**

7. «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларини ўзгартириш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2011 йил 18 августдаги ФТК-06-13/593, 53, 54-сонли қарори.*

**2011 йил 25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2258 (2011 йил 4 сентябрдан кучга киради).**

8. «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббиёт экспертизаларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 25 июлдаги 227-сонли буйруғи.*

**2011 йил 28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2259 (2011 йил 7 сентябрдан кучга киради).**

9. «Божхона юк декларациясининг электрон нусхасини жорий этиш тўғрисидаги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2011 йил 16 августдаги 01-02/15-15-сонли қарори.*

**2011 йил 2 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1055-1 (2011 йил 1 ноябрдан кучга киради).**

10. «Санитария-эпидемиология муассасалари лабораторияларида (бўлинмаларида ва бўлимларида) ишлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2011 йил 9 августдаги 48-Б-сонли буйруғи.*

**2011 йил 2 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2260 (2011 йил 12 сентябрдан кучга киради).**

11. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 сентябрдаги 193-сонли қарори билан тасдиқланган Бош, ихтисослаштирилган, туманлараро ва туман (шаҳар) тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари рўйхатига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2011 йил 16 августдаги 53-сонли буйруғи.*

**2011 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2261 (2011 йил 15 сентябрдан кучга киради).**

12. «Инвестиция лойиҳасининг дастлабки рухсат берувчи ҳужжатлари таркиби, уларни ишлаб чиқиш, келишиб олиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2011 йил 27 июлдаги 3-сонли қарори.*

**2011 йил 8 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1036-1 (2011 йил 18 сентябрдан кучга киради).**

13. «Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарор ҳамда унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 9 августдаги 46, 49, 2011-24, 23/1-сонли қарори.*

**2011 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1333-4 (2011 йил 19 сентябрдан кучга киради).**

14. «Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек, харажатларни қоплаш бўйича суммаларни тўланишини ва юридик шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси харажатлари бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 9 августдаги 47, 2011-25, 23/2-сонли қарори.*

**2011 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2262 (2011 йил 19 сентябрдан кучга киради).**

15. «Давлат улушларини ишончли бошқариш ва акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция») бўйича давлат вакилларининг хизмат ҳақи тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2011 йил 11 августдаги 51, 01/12-18/05-сонли қарори.*

**2011 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2263 (2011 йил 19 сентябрдан кучга киради).**

16. «Консуллик йиғимлари тарифини АҚШ доллари курсига нисбатан қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг 2011 йил 9 августдаги 989-сонли буйруғи.*

**2011 йил 14 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2264 (2011 йил 24 сентябрдан кучга киради).**

*(Давоми бор).*


● Реклама ва эълонлар ●

**КЕНГ ТУРДАГИ НАСОС УСКУНАЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ**




**GRUNDFOSНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ**

Ўзбекистон Республикаси,
100015, Тошкент ш., Ойбек к., 38-«А» уй
Тел.: (+998 71) 150-32-90,
(+998 71) 150-32-91,
(+998 71) 150-32-92.
E-mail: uzbekistan@grundfos.com
Web: www.grundfos.uz

› КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ
› СЕРВИС ХИЗМАТИ
› МАСЛАҲАТЛАР

BE › THINK › INNOVATE ›
GRUNDFOS
700R/520

*Барча абитуриентлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб келган ёшлар диққатига!*

**Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети**

**математика, физика, инглиз тили** фанлари бўйича 2011 — 2012 ўқув йили учун тайёрлов курсларида таҳсил олишга таклиф этади.



Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:
**Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси (собиқ Ниёзов кўчаси), 17-уй.**
Телефон:
**(8-371) 246-60-28.**
1280R/1109

UZTRANSGAZ JOINT-STOCK COMPANY AKSIADORLIK KOMPANIYASI

**«ЎЗТРАНСГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ**

*Ҳурматли юртдошлар!*

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 майдаги 283-Ф-сонли фармойишига мувофиқ, жорий йилнинг 1 июнидан 1 октябрига қадар республика табиий газ истеъмолчилари тўлиқ хатловдан ўтказилмоқда.**

**Шу муносабат билан табиий газ бўйича қарздорликни хатловдан ўтказиш учун масъул бўлган ходимларга маҳалла фуқаролар йиғини билан келишилган ҳолда ўз вақтида амалий ёрдам беришингизни илтимос қиламиз.**

754R/667

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
9.00 дан 18.00 гача
**232-11-15, 236-09-25.**
E-mail: reklama@xs.uz
02

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА 2011 ЙИЛ УЧУН КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМ-ИЗЛАНУВЧИ ВА СТАЖЁР-ТАДҚИҚОТЧИ-ИЗЛАНУВЧИЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

08.00.01 — **Иқтисодий назария.**
08.00.07 — **Молия, пул муомаласи ва кредит.**
08.00.08 — **Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит.**



**Ҳужжатлар 2011 йил 20 октябргача қабул қилинади.**

**Маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Тошкент ш., 100000, Х. Орипов к., 16-уй.**
**Телефонлар: (8-371) 237-52-91, 237-48-42.**
1282R/1129


Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги жамоаси Лицензиялашни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи Улуғбек Султоновга опаси

**Кимёхон ЭРГАШЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


ЦЕМЕНТ (ПЦ400 Д20) 277,2 ▲ +29,4 | ЦЕМЕНТ (ПЦ400 КД20) 221,6 ▲ + 15,6 | АРМАТУРА 3127,6 ▼ - 215,4 | ШИФЕР (1 лист) 16819,0 ▼ - 398,0 | АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ + 1,1 | Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 52246 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

· МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.35 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5